


YANG O'ZBEKISTON: INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

CONFERENCES.UZ

2023

DAVRIYLIGI: 2018-2023

DUNYODA BIRINCHI KASHF ETILGAN ELEKTR CHIROG'



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJY OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR

TOSHKENT SHAHAR, AMIR TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.

+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ

IYUN №53

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИННОВАЦИЯ, ФАН
ВА ТАЪЛИМ
3-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
ИННОВАЦИИ, НАУКА
И ОБРАЗОВАНИЕ
ЧАСТЬ-3**

**NEW UZBEKISTAN:
INNOVATION, SCIENCE
AND EDUCATION
PART-3**

ТОШКЕНТ-2023



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 53-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 14 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттига устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

1. Мирзахамдамова Дилдора Зафаровна КАСАНАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ- ШАРОИТЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА.....	7
2. Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич АВИАЦИЯ: ВУЖУДГА КЕЛИШИ, СТРУКТУРАСИ, РИВОЖЛАНИШИ.....	10
3. Мирзахамдамова Дилдора Зафаровна, Кимсанов Равшанбек Рўзибой ўгли ОЧАРЧИЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ БОЛАЛАР УЙИ ВА ЕТИМ- ХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ.....	12



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

КАСАНАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА.

Мирзахамдамова Дилдора Зафаровна.
Қўқон ДПИ “Тарих” кафедраси ўқитувчиси
Telefon: +998905503575
mirzakhamdamova@mail.ru

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада юртимизда касаначилик ривожлантириш орқали юртимизда жумладан Фарғона вилоятида амалга оширилган аҳоли бандлигини таъминлашга доир олиб борилган чора-тадбирлар ижроси ҳақида маълумотлар берилган. Вилоятда касаначилик орқали аёллар ва ёшлар бандлиги таъминланиши ва бу орқали касаначиларнинг давлатимиз томонидан қўллаб қувватланаётганига мисоллар келтириб ўтилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Аҳоли бандлиги, касаначилик, кўшимча даромад, оилавий тадбиркорлик, миллий хунармандчилик, манзилли чора-тадбирлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 23-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...биз аҳоли бандлигини таъминлашни ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, бу масалага нафақат сон, балки сифат жиҳатидан, ҳам алоҳида аҳамият беришимиз зарур” дея таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида ҳали юртимизда кўпгина соҳаларнинг бор имкониятлари ишга солингани йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов касаначиликнинг аҳамиятига тўхталиб, шуни алоҳида таъкидлардики, “...биз катта сармоя, маблағ талаб қилмайдиган касаначиликни йўлга қўйиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналарида бекор ётган турли хил дастгоҳ ва ускуналарни қўлидан иш келадиган одамларга, оилаларга бердик. Натижада 60 минг одам, 60 минг оила кўшимча даромадга эга бўлди. Шу одамларнинг, айтиш мумкинки, дунёқараши ўзгарди. Улар энди ўз оиласи, болалари олдида бошини кўтариб яшайди, эл-юрт, Ватан равнақига ўз ҳиссасини қўшади. Кўриниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида турли янгиланишлар пайдо бўлмоқдаки, уларнинг ҳаммаси халқимизнинг фаровонлигини оширишга, уларни иш билан таъминлашга қаратилганлиги билан характерлидир. Бу янгиланиш ва ишсизликнинг олдини олишга қаратилган муҳим тадбирлардан бири, кўрганимиздек, касаначиликни ривожлантириш экан.

Республикамизда касаначилик меҳнатини ташкил қилиш имкониятларидан фойдаланиш, оилавий тадбиркорликни, миллий хунармандчиликни ривожлантириш 222,3 минг иш ўрни яратилишига имкон берди. Уларнинг аксарият қисми касаначилик ва миллий хунармандчиликнинг анъанавий марказлари ҳисобланган ҳудудлар - Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятларида ташкил қилинди.

Фарғона вилоятида аҳоли, айниқса хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хусусан, касаначиликни ривожлантириш борасидаги ишлар муҳим аҳамият касб этаётир. Касаначилик-иш берувчи учун ҳам, ишчи учун ҳам бирдек мафаатли. Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳа ривожидида муҳим дастуруламал бўлаётир. Ушбу ҳужжатда касаначиликни янада ривожлантириш ҳамда замонавий машина, асбоб-ускуна, хом-ашё ва материаллар харид қилиш учун молиявий ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш орқали оила бюджети даромадини кўпайтириш



долзарб масалалардан бири экани белгиланган.

Фарғона вилоятида ўтган 2017 йил мобайнида 400 дан ошиқ янги доимий иш ўринлари яратилиб, иш ўрнига эга бўлганларнинг асосий қисми хотин-қизлар экани янада аҳамиятлидур. Меҳнат қилиш имконияти чекланган фуқароларнинг касаначилик билан шуғулланиши учун кенг шарт-шароитлар яратилаётгани улар ҳаётида катта ўзгаришларга сабаб бўлаётир. Айни пайтда вилоятда 100 га яқин меҳнат қилиш имконияти чекланган фуқаро касаначилик билан машғул. Бугун у нафақани кутиб яшаётган ногирон эмас, балки муқим иш ўрнига эга, буюртма асосида қилган иши учун вақтида пулини олиб, рўзгорини тебратаётган фаол фуқародир. Улар янгиланган лойиҳалар асосида курилатган арзон уйлардан харид қилмоқда. Бу уйларнинг бошланғич бадали Президентимиз томонидан тўлаб берилётгани эса ногирон фуқароларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ифодасидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борада дастуруламал бўлиб хизмат қилди. 2018 йилга қадар вилоятда 1 минг 300дан зиёд хунармандлар фаолият кўрсатиб келган. Марғилон, Кўқон шаҳарлари, Риштон туманида хунармандчилик борасида ўзига хос мактаб яратилган. Республика ипакчилиги ва касаначиликни ривожлантириш маркази ва галереяси ташкил қилинган хунармандчилик ва касаначиликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

2017 йил август ойида Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан йўл харитаси ишлаб чиқилди. Унга кўра Фарғона вилоятида уюшмаган аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар режаси тузилди. Унга кўра уюшмаган аҳолини бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришда касаначилик қилиш истагида бўлган аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича амалга ошириш механизмида Фарғона Азот МЧЖ, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларида касаначиликни амалга ошириш режалаштирилди.

Аҳолини бандлигини таъминлашда касаначиликни кенгайтириш, аҳолига тушунтириш ишлари олиб боришда Шаҳар, туман ҳокимлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Касаба уюшмаси бирлашмаси, “махалла хайрия” жамоат фонди, тадбиркор аёл, хунарманд уюшмаси, матбуот башқармаси, туман бандликка кўмаклашиш марказлари масъул этиб белгилаб олинди. Масъуллар аниқ режа асосида қуйидаги чора-тадбирлар белгилаб олинди:

1. Ногирон фарзанди бор уйда ишлаш истаги бор эҳтиёжманд аҳолини рўйхатини шакллантириш касаначилик меҳнатига жалб этиш.

2. Касаначилик меҳнати билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш.

3. Йирик корхона ва ташкилотларда касаначиликка доир квотали ўринлар ажратиш.

4. Касаначилик яъни ипак курти боқувчи хотин қизларга меҳнат дафтарчаларини очиш ва уларни ижтимоий -иқтисодий қўллаб-қувватлаш.

5. Хомийлар кўмагида шаҳар, туманларда 2 та махалла худудида хомийларни жалб этган ҳолда касаначиликнинг яна бир тури “Гилам ювиш”, “Кир ювиш ва дазмол қилиш”, “Аёллар саргарошхонаси” линияларини ташкил этиш ва эҳтиёжманд оила вакилларини бандлигини таъминлаш чораларини кўриш.

Марғилон, Фарғона шаҳарлари, Тошлоқ ва Риштон туманларидан 400 нафар хотин-қизлар ва ёшлар турли хунар сирларини кунт билан ўрганишмоқда. 2019 йилга келиб марказ томонидан 14,5 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Фарғона вилоятида бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказиш билан бир қаторда, касаначиликни ривожлантиришга доир ўқув амалий семинар ва учрашувлар ҳам ўтказиш анъанага айланган. 2019 йил 14 март куни Марғилон шаҳридаги Миллий хунармандчилик марказида хунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар иштирокида манзилли режа асосида ўқув амалий семинарлар ташкил этилди.

Бугунги касаначи кечагисидан тубдан фарқ қилади. Уларга шунчаки рўйхатда қайд этилиши учун эмас, балки ишлаб, меҳнатига яраша ҳақ олиши, эртанги кунини ўзи ўз қўли билан яратиши учун давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратилмоқда.



Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2018.

2. Каримов И.А. “Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир”. 2006 йилда республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси 2007 йил 12 февраль. Халқ сўзи. 2007 йил 13 февраль 2-бет.

3. Фарғона вилояти статистика бошқармасининг Фарғона вилояти 2012 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари (статистик тўплам) асосида жамланган

4. Мирзахамдамова Д.З. “Ўзбекистонда касаначиликни ривожлантиришнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти”. Ўтмишга назар. Тошкент-2019. №6. 47-55 бетлар.

5. Mirzakhamdamova Dildora Zafarovna. Greation of new types of household and employment of the population. Fergana region as an example. Journal of Pharmaceutical Negative Results, 6053–6056. DOI:<https://doi.org/10.47750/pnr.2022.13.S0.6053-6056> page.

6. Mirzakhamdamova Dildora Zafarovna. Providing employment for the population through the development of silk and homework in Fergana province. Eurasian journal of academic Research. Innovative Academy Research Support Center. Volume2 Issue13,December 2022.1544-1547 page.

**АВИАЦИЯ: ВУЖУДГА КЕЛИШИ, СТРУКТУРАСИ, РИВОЖЛАНИШИ****Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич**Наманган давлат университети,
Архившунослик кафедраси
доценти вазифасини бажарувчиси**Аннотация:**

Мазкур мақолада авиация ташкил этилиши, тузилиши, турлари, вазифалари, фаолиятлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳаво транспорти тарихига оид материаллар мисолида ёритилган.

Калит сўзлар:

Авиация, самолёт, вертолёт, аэропорт, аэродром, “Очиқ осмон” режими, аэровокзал.

XX аср инсониятга катта кашфиёт ва ихтироларни берди. Асрлар давомида, бир қанотли машина устида бир одам афтидан имконсиз парвоз ҳақиқатга айланди ва бу инсоният учун беихтиёр парвоз орзусини уйғотди. Бир неча асрлардан буён давом этиб келаётган учишларнинг аксарияти фожиали якунланган, ниҳоят ўтган асрда инсон баландроққа ва узокроққа парвоз қилиш усулини топди. Натижада алоҳида соҳа сифатида ривож топди. Умумий ном сифатида авиация деб номланди.

Авиация – французча сўз бўлиб aviation, латинча avis – қуш яъни ҳаводан оғир учиш аппаратларида ер атрофидаги ҳаво бўшлиғи (атмосфера)да парвоз қилиш билан боғлиқ тушунча саналади. Авиацияда самолётлар, вертолётлар, планерлар ишлатилади. Шу аппаратлардан парвоз қилиш (учиш) учун фойдаланадиган ташкилот (хизмат) ҳам авиация деб аталади. Авиация фуқаро авиацияси ва ҳарбий авиацияга бўлинади. Фуқаро авиацияси йўловчилар ва юкларни ташишда ишлатилади. Унинг транспорт, санитария хизматига, ўқув-спорт ва махсус ишларга мўлжалланган, шунингдек, қишлоқ хўжалигида, алоқада, геология-қидирув ишларида, балиқ овлаш ишлатиладиган турлари бор. Йўловчилар ва юкларни доимо ташишни таъминлаш учун фуқаро авиацияси таркибига самолётлар ва вертолётлар парки, учишни таъминлайдиган турли хизматлар, аэродром ва аэропорт киради. Ўзбекистонга дастлаб транспорт тури сифатида 1924 йилда кириб келган. Ҳарбий авиация эса қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий-денгиз кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари билан биргаликда ҳаракат қилади ҳамда мустақил вазифаларни бажаради.

Авиацияда асосий вазифа авиация транспортига юклатилган. Авиация транспортининг асосини самолёт ва вертолёт ташкил этади.

Самолёт русча “сам” – ўзим ва летать – учмоқ маъносини англатади, шунингдек, аэроплан – ҳаводан оғир учиш аппарати. Самолёт қанотларининг бир ёки икки текисликда жойлашишига қараб, моноплан (қаноти бир текисликда) ва биплан (қанотлари икки текисликда), двигателлари сонига қараб, 1, 2, 3 ва 4 моторли (баъзан, беш ва олти моторли); двигателлари турига қараб, винтли (поршенли ва турбовинтли), реактив двигателли, йўловчилар ўринлари сонига қараб, бир, икки ва кўп ўринли; қўлланилишига қараб, ҳарбий ва фуқаро, санитария, юк ва махсус турларга бўлинади. Қуруқликдан, сувдан (гидросамолёт), шунингдек, ҳам сувдан, ҳам қуруқликдан кўтарила оладиган (самолёт-амфибия, яъни ғилдиракли шасси билан жихозланган гидросамолёт) турлари бор. Самолёт барча транспорт турлари ичида энг тез ҳаракат қилувчи ҳаво транспорти бўлиб, унинг узок масофага қўнмасдан ўтишидаги ҳаракат тезлиги соатига 900-1000 километрни ташкил этади. Ҳаво транспортининг асосий хусусияти самолётларнинг катта тезлиги, йўловчи, почта ва юк ташиш вақтининг қисқартиришидир. Ўзбекистонда ҳам самолёт ишлаб чиқарилган. Собиқ Тошкент авиация заводи (кейинроқ “Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” давлат акциядорлик жамияти, ҳозирги “Тошкент механика заводи” ўрнида)да ИЛ-14, АН-10, АН-8, АН-12, АН-22, “Антей”, суперлайнер ИЛ-76 ва ИЛ-114 самолётлари ишлаб чиқарилган. Мустақиллик йилларида халқаро рейсларда “Боинг” 767/757, А-310, RJ-85 русумли самолётларидан фойдаланилди. Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси 2016 йилдан “Dreamliner”ларнинг тижорат эксплуатациясини бошлаган. 2017 йилнинг 27 июлида эса миллий авиакомпаниямиз тарихида биринчи марта ушбу русумдаги самолётда Тошкентдан Нью-Йоркка илк узлуксиз парвоз амалга оширилди.

Ҳаво транспортида кенг фойдаланиладиган транспорт турларидан бири вертолётдир. Вертолёт – тикка кўтариладиган ва қўнадиган ҳаводан оғир учиш аппарати, унда кўтариш



кучини битта ёки бир нечта (кўпинча, иккита) элтувчи винт вужудга келтиради. Вертолёт турган жойидан кўтарилади, тиккасига пастлаб кўнади, осмонда бир жойда муаллақ туриши, вертикал ўқ атрофида исталган томонга бурилиши, хоҳлаган йўналишда тўғри учини мумкин. 1956 йилда Ўзбекистон авиаторлари томонидан дастлабки иккита МИ-4 вертолётни қабул қилинган бўлиб, улардан бирини Ўзбекистоннинг биринчи вертолёт учувчиси Б. М. Борисов бошқарган. Бугунги кунда вертолётдан халқ хўжалигида (қишлоқ хўжалиги зараркундалари билан курашиш, йўловчилар ва юкни ташиш), геология-қидирув ишларини бажариш, гравиметрик суратга олиш, музликларни кузатиш, ўрмондаги ёнғинларни ўчириш, йирик жихозларни ташиш ва ўрнатишда, қурилишда, бориш қийин бўлган жойларга шифокорларни олиб боришда, қутқарув ишларида кенг қўлланилади.

Самолёт ва вертолётларнинг асосий техник ишлатиш кўрсатмаларига сиғим, юк кўтара олиш қобилияти, учини тезлиги ва қўнмасдан уча олиш масофаси киради. Учун масофалари, йўловчилар сиғими ва юк кўтара олишга қараб, йўловчи ташувчи самолётлар магистрал ва маҳаллий ҳаво трассаларида учувчи самолётларга бўлинади.

Аэропортлар ҳаво транспорти корхоналаридан бири бўлиб, йўловчилар, юк ва почта жўнатиш ва қабул қилиш ҳамда самолётларни учини тайёрлаш ва учини ташкил қилиш ишлари билан шуғулланади. Аэропортлар таркибиде аэродром, шохбекат махсус муҳандислик бино ва иншоотлари, ҳамда вертолётлар кўниш майдонлари бўлиши мумкин. Аэропортлар ўз вазифаси бўйича халқаро, МДХ ички магистрал трассаларида учувчи ва маҳаллий трассаларда учини хизмат қилувчи аэропортларга бўлинади. Ўзбекистон Республикасида ҳам аэропортлар ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аэропортнинг энг муҳим ва асосий қисми аэродромдир. Аэродром таркибига самолёт ва вертолётларнинг хавф-хатарсиз учини ва кўниш учун йўлаклар (полосалар) ҳамда уларга техник хизмати кўрсатиш учун махсус тайёрланган ер бўлимлари киради. Аэродромлар таснифига кўра: мунтазам ишловчи, мавсумий, тезкор топшириқ бажарувчиларга бўлинади. Вазифаларига кўра бошланғич, оралик ва энг сўнгги аэродромларга, шунингдек, фавқулодда ҳолларда кўниш учун захирадаги аэродромларга бўлинади.

Аэровокзал – аэропортларда ҳаво транспорти йўловчиларига хизмат кўрсатиладиган ва юк операциялари ўтказиладиган бино ёки бинолар мажмуи ҳисобланади. Аэровокзал таркибига вокзал олди майдони (шаҳар транспорти тўхтаб туриш майдони билан бирга), самолётлар турадиган перрон, перрон-техника хизмати кўрсатиш бинолари, самолёт бортида йўловчиларга бериладиган озик-овқат тайёрлаш цехи, мехмонхоналар, команда-диспетчерлик пунктини ўз ичига олган асосий иншоотлар мажмуи киради. Одатда, бу бино ва иншоотлар аэровокзал биноси билан бирга қурилади. Аэровокзалнинг ички ва халқаро линияларга хизмат кўрсатувчи хиллари бўлади. Аэровокзалда йўловчиларга хизмат кўрсатишда қуйидагиларни ўз ичига олади: чипталар сотиш ва рўйхатга олиш; рейс бўйича юкларни қабул қилиш, расмийлаштириш, комплектлаш ва учиб келган йўловчиларга юкларини бериб юбориш; самолётларнинг учини ва кўниши ҳақида ахборот бериб туриш, почта, маиший, тиббий хизматлар кўрсатиш киради. Аэровокзалнинг ўлчами аэропортнинг йўловчиларни ташиш ҳажмидан келиб чиқади. Тошкент аэропортидаги аэровокзал йирик аэровокзаллар жумласига киради. Йирик шаҳарларда аэропортлардаги аэровокзал ишини енгиллаштириш мақсадида аэропорт билан шаҳар транспорти воситасида боғланган шаҳар аэровокзали қурилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда авиация тармоғи мустақиллик йилларида шаклланган. Ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини модернизация қилиш дастури амалга оширилди, бунинг натижасида Ўзбекистон ҳаво ҳудудида парвозлар халқаро талаб ва стандартларга мослаштирилди. Аэропортларини реконструкция қилиш чоралари кўрилди. Ҳаво флотининг барқарор ишлашини таъминлашга қодир малакали мутахассислар тайёрланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тўрахонов А. С. Авиация тарихидан. –Т.: Ўздавнашр, 1951. -59 б.
2. Тюрников В. Первый...первая...впервые.... –Ташкент.: Ўзбекистон, 1996.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Тошкент.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000-2005 йй.
4. Ўзбекистон авиацияси 70 ёшда. –Т., 1994.
5. Швец Ф. П. Авиация техникасидан русча-ўзбекча қисқача изоҳли луғат. – Ташкент: Ўқитувчи, 1978



ОЧАРЧИЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ БОЛАЛАР УЙИ ВА ЕТИМХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ.

Мирзахамдамова Дилдора Зафаровна.
Қўқон ДПИ “Тарих” кафедраси ўқитувчиси
Telefon:+998905503575
mirzakhamdamova@mail.ru

Талаба. Кимсанов Равшанбек Рўзибой ўғли.

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада очарчилик йилларида Фарғона вилоятида бошланган очарчилик сабаблари ҳамда бу вилоятга кўчириб келтирилган оч қочоқларнинг болаларига маҳаллий аҳолининг ўзи оч бўлишига қарамасдан ёрдам қилиши ва бунинг натижасида Қўқон, Скобелев, Ўш, Андижон ва Наманганда болалар уйи ва етимхоналарнинг очилиши ёритилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: пахта яккахомлиги, фуқаролар уруши, иқтисодий ёрдам, очарчилик, болалар уйи, етимхоналар.

Маълумки, Россия Туркистонни босиб олганидан кейин уни хомашё базасига айлантди. Айниқса, тобора ривожланаётган Россия енгил саноати эҳтиёжи учун пахта хомашёси етиштиришга катта эътибор берилди. Пахтага юқори харид нархлари белгиланди. Бунинг натижасида озиқ-овқат экинлари майдонлари, боғдорчилик ва чорвачилик билан банд бўлган ерларга ҳам пахта экиш кучайди. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, ғалла Россиянинг марказий районларидан келтириладиган бўлди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида аста-секин озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги сезила бошланди. Октябрь тўнтарилишидан кейин бошланган фуқаролар уруши туфайли 1918 йили ўлкага совет Россиясидан ғалла келтиришнинг иложи бўлмади. Бу ҳол эса Туркистонда очарчиликни келтириб чиқарди.

Бундан ташқари, бу сиёсат большевеклар томонидан шафқатсизлик билан амалга оширилди. Агар чоризм кўчириб келтирилган аҳолини бўш ерларга, тоғ яйловларига жойлаштирган бўлса, Шўролар маъмурияти оч қочоқларни маҳаллий аҳолининг уйларига мажбурий равишда жойлаштирдилар.

Кўчиб келган оч-ночорлар, асосан, ерли аҳоли хўжаликлари ва қисман, жамоа биноларига жойлаштирилди. Улар учун уюштирилган иқтисодий ёрдамнинг дастлабки усули маҳаллий аҳоли иш ҳақларидан улушлар ажратишдан иборат бўлди. Шу йўл билан фақат 1921 йилнинг августида Андижон шаҳрида 13257 минг, Андижон районида 360 минг, Султонобод районида 2100 минг сўмдан ортиқроқ маблағ тўпланди. Бу тадбирлар натижасида тўпланган 3560 минг сўмдан ортиқ маблағ очлар фондига ўтказилди. 1921 йил декабрига келиб, Фарғона вилоятининг ўзида очларга ёрдам фонди учун 198108 минг сўмдан ортиқ пул, 11482 пуд ун, 292 кишига етгулик кийим-бош ва 1000 аршиндан ортиқроқ газлама тўплаб топширилди. Худди шу йўл билан кўчириб келтирилган оч қочоқларнинг болаларига ҳам ёрдам кўрсатилди. Бу болаларни жойлаштириш учун аввалдан махсус жойлар тайёрлаб қўйилган. Масалан, Қўқонда 300 бола учун бино ва 7 миллион сўм тўпланган. Ўшда эса 100 бола учун шароит яратилган. Туркистон Марказий Ироия Қўмитаси Ўлка Очларга Ёрдам Кўрсатиш Ҳайъатининг ҳисоб-китобига кўра, шу йил давомида яна 20 000 минг ёш болаларни ва 10 000 харбий хизматга чақирилувчиларни ҳам қабул қилиши керак эди.

Очларга ёрдам уюштиришнинг яна бир усули улар жойлашган манзил ва атроф худудлари аҳолисидан оч-ночорларнинг болалари учун кийим-бош, пойабзал ва бошқа энг зарур нарсалар йиғиб олиб, уларга тақдим этишдан иборат бўлди. Бу тадбир натижасида тўпланган газлама чарм ва бошқа хом ашёлардан болаларга мўлжалланган кийим-бош ва пойабзаллар тикиш хашар йўли билан амалга оширилган. Бу маҳаллий халқнинг ўзига хос удуми эканлигини таъкидлаш керак.

Айнан шу даврнинг ўзида Фарғона водийсининг вайронага айланган шаҳар ва кишлоқларида етим қолган маҳаллий болаларга ҳеч ким эътибор бермади. Бу эса жиддий хато эди. Фақат 1923 йилнинг январь ойига келиб бу болаларга ҳам эътибор қаратилиб, 1200 бола учун Қўқон, Скобелев, Ўш, Андижон ва Наманганда жами 12 та болалар уйи очишга қарор қилинган. Лекин амалда бу қарорлар тўлиқ бажарилмади.



Фарғона вилоятида очилган етимхоналардан ташқари маҳаллий бойлар навбати билан мачитлар олдида дошқозонлар қуриб, очларни ўз ҳисобларидан овқатлантиришган. Андижон уезди Балиқчи туманида бой-мулкдорлар шундай ишларни амалга оширганлар.

Бундай етимхоналардан 3таси шаҳар-уезд очарчиликка қарши қурашувчи Ҳайъат томонидан 1919 йил март, апрель ойларида ташкил этилган. Бош етимхона Қўқон шаҳридаги Ҳаққулбек мачитида очилган бўлиб, унда жами 800 эркак, 229 аёл, 402 болаларни, Конибодомдаги 88 кишини, Бешариқдаги 68 кишини озиқ-овқат билан таъминланган.

Қўқондаги етимхонага қарашли етимхоналар 10 десятина ерда 50 киши иш билан бўлган. Бундан ташқари етимхоналар болалар қосиблик ва тикувчилик билан ҳам шуғулланганлар. Дастлабки очилган етимхона Қўқонда 50 болага мўлжалланган бўлиб, 1918 йил сентябрида иш бошлаган.

Бу етимхоналарда ҳар бир болага кунига 112 сўм 50 тийиндан маблағ сарфланган. 1918 йил 15 сентябрида Скобелев шаҳрида ҳам шундай муассаса очилган бўлиб, унда 55-60 болага шароит яратилган.

Очликка қарши қурашувчи марказий Ҳайъат биринчи марта мулкдор шахслардан солиқ олиш ҳақида қарор қабул қилди. Мулкдорлардан олинган маблағлар очлар фойдасига ишлатилиши керак эди. Туркистон АССР МИКнинг 1919 йил 10 январь йиғилишида Очарчиликка қарши қураш тадбирлари асосий масала сифатида муҳокама қилиниб, очлар учун етимхоналар ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу борада Фарғона водийси уездларида етимхоналарни зудлик билан очиш ва оч аҳолига эътибор бериш таъкидланди.

Жойларда тузилган Махсус Ҳайъатлар томонидан ташкил этилган ва уларнинг назорати остидаги етимхоналар очларни баъзи ҳолларда ўлимдан сақлаб қолишда муҳим роль ўйнайди. 1918 йил ноябрь, декабрь ойларида Фарғона водийсининг 12 уездида 40 та етимхона очилиб, кунига 135 минг сўм пул сарфланган. Бу маблағни тўплаб туриш учун етимхоналардан ишга яроқли кишилардан турли-туман дала ишларида фойдаланилган. Мисол тариқасида айтиш мумкин, очларга ёрдам кўрсатувчи Андижон хайъати учун 300 минг сўм маблағ ажратилган. Айни пайтда етимхонада яшовчиларнинг ярми фойдали иш билан банд бўлган.

Етимхоналарда овқат бепул берилгани учун дастлабки пайтларда истаган одамлар келиб овқатланиб кетишган. Ҳақиқий очлар баъзан четда қолган. Ваҳоланки, бундай ярим-ёрти ёрдам бериш водий уездлари аҳолиси талабини тўлиқ қондирмаган. Бироқ, ҳужжатларда: “ёрдам берилди”, “талаб қондирилди”, деб ахборотлар берилган.

Бу ўринда ўзбек халқи, водийда яшовчи тожик, қирғиз, қозоқ ва бошқа миллатлар вакилларининг ўта қаноатли, шу йиллари “янги тузум”дан, ҳатто, янги иқтисодий сиёсат-зўрлаш сиёсати бўлса ҳам, истиқлолни умид қилганлиги, бардошли эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Аъзамходжаева А. Уразаев Ш.З. Развитие Советской государственности в Узбекистане. М. 1969. Алламурадов Д. Советы в борьбе за победу социализма в Узбекистане. Т. 1970. Абдуллаева Р.Х. Руководство КПСС Советами в период зрелого социализма. Т. 1982.
2. Борьба с голодом. Сб. статей. М., 1921-1922 г.г. стр.12.
3. Мирзахамдамова Дилдора Зафаровна. Коканд в годы Великой Отечественной войны. Молодой учёный (международный научный журнал) 2016. 11 часть. X июнь Россия. 1116-1118 ст.
4. Mirzakhamdamova Dildora Zafarovna. Greation of new types of household and employment of the population. Fergana region as an example. Journal of Pharmaceutical Negative Results, 6053–6056.
5. Мирзахамдамова Дилдора Зафаровна. Экологические проблемы в области Фергане исторический аспект. Высшая школа. Научно практический журнал. № 21. 2016. Россия. Уфа. 70-74 ст.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 3-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2023

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000